

Мустақиллик ва ёшлар баркамоллиги.

**Қўқон ДПИ ф.ф.н. М. Аминова,
Ўқитувчи Ж. Давлатов**

Мустақиллик мохияти ва ахамиятини сархисоб қиладиган бўлсак, бу ижтимоий ўзгаришда ёшларнинг ўрни муҳим. Мустақиллик туфайли ёшларнинг дунёқараши ўзгарди. Уларнинг ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучаймоқда. Ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, она заминга меҳри, эғалик ва масъулият хисси кучайди. Бир сўз билан айтганда ёшлар ўзлигини англай бошлади. Қандай заминда яшаётганимизни хис қилиш, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси, ўзбекона тафаккур нури барчанинг дилидан ўрин ола бошлади. Миллий анъаналаримиз ва удумларимизни тиклаш ва ривожлантириш тамойили кучайди. Ислом динимизни қадрлаш маънавиятимизни янги маънолар билан тўлдиришга олиб келди. Улуғ бобокалонларимиз маданий хазинасига ҳақиқий ворислик қила бошладик. Улардан фахрланиш имкониятига эга бўлдик. Юртимизда яшаётган барча миллат, элат вакилларининг тинч-иноқ яшаши учун шароит яратилди. Бундан ёшлар баҳраманд бўлмоқда.

Айни пайтда ёшларни олдида ҳақиқатни айтишдан чўчимаслик, сохтакорликдан қочиш, мавжуд қийинчиликлар, муаммоларни очик ойдин баён этиш лозим. Айни пайтда давлатимиз раҳбарияти олиб бораётган ижобий ишлар ва мавжуд муаммоларни бртараф этиш учун олиб борилаётган ижобий ишлар ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлари ва эришилаётган амлий натижалар хусусида тарғибот ташвиқот ишларини олиб боришга ёшларни рухлантириш, унинг жамиятимиз, давлатимиз, мустақиллигимизга бўлган ишонч-эътиқодини мустаҳкамлаш олимларимиз, пешқадам зиёлиларимиз, маърузчиларимиз, мафкуравий ишлар билан шуғулланувчи барча тарғибот-ташвиқотчиларнинг биринчи даражали вазифаси ҳисобланади.

Миллий ғоянинг ёшларга нечоғли таъсири, сафарбар этувчилик, илҳомлантирувчилик, буюк келажак сари чорловчилик соҳасидаги аҳамияти, таълим ва тарбияда тутган ўрни ва роли унинг ҳаёт ҳақиқатларига, реал борлиққа халқ турмушига қанчалик мос ва мувофиқлигига қараб белгиланади.

Чунки миллий ғоянинг кучи бир томондан маърифат-тарғибот ишлари, унинг самарадорлигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ёшларнинг кундалик ҳаётда дуч келаётган муаммоларнинг тушунишлари, уларнинг мугосабатларига, уларнинг муносабатларига фикрга фикр билан, ғояга ғоя билан жавоб бра олиш, уни қандай ҳал этаётганликларига бевосита боғлиқдир. Миллат равнақи, Ватанга керак бўлса жонини жабборга бериб фаолият кўрсатадаган ёшлар бўлмаса миллий истиқлол мафкурасида кўзда тутилган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бу ёшларда миллий ғурурни баланд бўлишини тақозо этади.

Буларнинг барчаси олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган талаба ва ўқувчиларнинг маънавий тарбиясига ҳукумат миқёсида катта аҳамият берилаётганини ёрқин далилидир. Шундай бўлиши ҳам лозим эди. Чунки ўтиш даврининг мураккаб кечувчи жараёнлари ёшларнинг маънавий ва маданий тарбиясига турлича таъсир кўрсатиши табиий эди. Жумладан, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан муайян муддат моддий бойлик, пул, валюта жамғариш ҳаракати авж олади. Бу эса ёшларнинг маълум қисмида нима бўлса-да, бойлик тўплаш ҳирсини кучайтириб, уларда маънавий бойликларга эътиборсизликни туғдиради. Бундан олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талаба ва ўқувчилари ҳам мустасно эмаслар. Уларнинг маълум қисми бозорга, савдо-сотиққа ўзини уришга интилади. Бойлик, пул, пулдорликка нисбатан уларда мойиллик ҳислари уйғонади. Данғиллама уйларни, “бойвачча” ларнинг чет эл русумидаги тойчоқдек автомашиналарини, уларнинг ялт-юлт кийимларини кўриб, ёшларнинг айримларида бундай турмуш тарзига ҳавас уйғониб, ҳаётнинг асосий мазмунини мана шундай “бойваччаларча” яшашдан иборат деган бир ёқлама, нотўғри тушунча ўрнашади.

Натижада, моддий бойликнинг қўлига айланиш улардаги маънавийят чашмасининг кўзини бутунлай бекитиб қўйиши мумкин. Бундай ёшларда ўқишига ҳавас сўна бошлайди, ҳатто газета ва журналларни, бадиий адабиётни мутлақо ўқимай қўйишади. Уларнинг ўзига хос ва мос “маънавий ва маданий муҳити” юзага келиши мумкин. Бу ресторан, кафе ва чойхоналарда бериладиган зиёфатлар, гапхўрлик, дахшат ёки беҳаёлик мавзуидаги видеолар, кайф қилиш ва ҳоказолар бундай “маънавий ва маданий муҳит” нинг мазмунини ташкил этади. Оқибатда, жамиятдаги муҳим ижтимоий, маданий, маънавий ҳодисаларга нисбатан бундай ёшларда бефарқлик, лоқайдлик, ҳатто ижирғаниш билан қараш ҳиссини туғдириши эҳтимолдан холи эмас. Мана шундай салбий, нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш муҳим вазифадир. Жумладан, олий ва ўқув махсус ўқув юртларида ҳам бу вазифалар ҳамиша диққат эътиборда бўлмоғи талаб қилинади. Шу боис олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги муассасаларда маънавийят ва маданият ишлари проректорлари, бўлим бошлиқлари, методистлари лавозимлари ташкил этилдики, улар ёшлар ўртасида маънавийят ва маданият ишларини ҳозирги талабларга жавоб берадиган тарзда пухта олиб боришлари назарда тутилган.

Ўтиш даврининг ёшлар камолотига ижобий таъсир кўрсатувчи хусусиятлари ҳам мавжуд. Республикамиз давлат мустақиллигига эришгач, дунё миқёсига чиқди, маданий ва маърифий соҳада ҳам жаҳон интеграциясига боғланиб бормоқда. Хорижий тилларни яхши эгаллаган, иқтидорли, билимли ёшлар жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юртларига ўқиш учун бормоқдалар. Давлатимиз бу борада ғамхўрлик кўрсатиб, иқтидорли, қобилиятли ёшларнинг истеъдодлари юзага чиқиши учун барча ишларни қилмоқда, бу йўлда маблағни аямаяпти. Юртимизда 2008 йилга “Ёшлар йили” деб ном берилиши, 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши ва шу муносабат билан махсус давлат дастурининг қабул

килиниши бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг янги ва янада юксак босқичи бўлиши мумкинлиги шубҳасиз.

2006 йил 25 августда қабул қилинган “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий –маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорида “халқаро майдонда мафкуравий, ғоявий ва информацион курашлар кучайиб борётган ҳозирги мураккаб ва тахликали даврда маънавий-маърифий ишларни замон талаби даражасида ташкил этиш, ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини шакиллантириш, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, мамлакатимиз мустақиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши кураш олиб бориш вазифаси” турганлиги таъкидланади.

Тараққий этган жамиятни фақат юксак маънавиятли фуқаролар барпо этиши мумкинлиги ҳаммамизга яхши аён. Айнан шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбарининг ташббуси билан олий ўқув юртларида “Маънавият кунлари” жорий қилинди. Биз улардан самарали фойдаланмоғимиз лозим. Бунинг учун эса эски, сийқаси чиққан, қуруқ маърузабозликдан воз кечиб, янги замонавий усуллардан кенг фойдаланмоғимиз зарур. Бадиий воситаларга кўпроқ эътибор беришимиз керак. Юксак бадиий савияда ёзилган асар, маҳорат билан саҳналаштирилган спектакль ёки суратга олинган фильмлар инсоннинг қалбини ларзага солиш, уни эзгу мақсадларга чорлаш, маънавий юксакликка кўтариш қудратига эга. Ҳозирги тарихий давр ана шундай инсон қалбини қамраб оладиган асарлар, замонамиз қахрамони образини яратишни тақозо қилмоқда. Бу соҳада ҳам Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши зиммасига ғоят масъулиятли вазифалар юклатилган. Хуллас, жамиятимиздаги маънавий- маърифий ва мафкуравий муҳитни янада соғломлаштириш борасида қиладиган ишларимиз кўп. Уларни уддалашда бизни бундан буён ҳам мамлакатимиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ишонамиз.